



# MILLIY TIKLANISH

1 (433) ● 2017 йил 4 январь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

**Партия Фарғона вилоят кенгаши 2016 йил мобайнида ёшлар иштирокида 300 га яқин тадбир ташкил этди**

**ЎзМТДП Учтепа туман кенгаши кўмаги билан 28 нафар тадбиркор аёлга имтиёзли кредит берилди**

**Бухоро вилоятидаги 12 минг нафардан ортиқ ЎзМТДП аъзосининг 7 мингга яқини хотин-қизлардан иборат**

## Муносабат

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда кексаларга ҳурмат-эҳтиром, меҳр-оқибат, эъзоз-эътибор кўрсатиш маънавий ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланди. 2015 йил мамлакатимизда Кексаларни эъзозлаш йили, деб эълон қилинган ҳамда ўтган йиллар давомида ёши улуг нурунийлар, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фахрийларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида қабул қилинган қатор ҳуқуқий ҳужжатлар юртимизда кексаларга кўрсатилаётган юксак эътибор ва эҳтирмнинг юксак намунасидир.

## Кексалари

### Эъзозланган юртдан файзу барака аримайди

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 28 декабрдаги "Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуруний" жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фермони нурунийларимизни рағбатлантириш, уларнинг ҳаёт даражаси ва сифатини янада яхшилаш борасидаги тизимли ишларнинг манتيкий давоми бўлди.

Фармонда нурунийларни ёшларни Ватанга муҳаббат, кекса авлод кишиларини эъзозлаш, эзгулик ва раҳмдиллик сингари халқимизнинг кўп асрлик анъаналарини ҳурмат қилиш руҳида тарбиялашга йўналтирилган ижтимоий фаолиятга жалб этиш вазифалари белгиланган. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки кўпни кўрган ёши улугларимизнинг ҳаёт йўли, панду насиҳатлари ёш авлод вакиллариининг пок қалбли, виждонли, Ватанига, халқига садоқатли ҳамда юксак маънавиятли бўлиб камолга етишида муҳим аҳамият касб этади.

> 2-бет.



## Маънавиятни асраш — келажакни асраш демакдир

*Халқимиз азалдан фарзанд тарбияси ва уларнинг қомил инсон бўлиб вояга етишига катта эътибор қаратиб келган. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки боғбон ёш ниҳолни қандай парвариш қилса, шунга яраша ҳосил олади.*

Бугунги кунда ҳам мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлоднинг таълим олиши, спорт билан мунтазам шугулланиши ва замонавий билимларга эга бўлиши учун улкан имконият яратилган, ёшлар масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Ҳар йили Давлат бюджетининг қарийб 60 фоизи ижтимоий соҳага йўналтирилиб, унинг асосий қисми таълимга, ўқув муассасаларининг моддий техник базасини мустаҳкамлаш, янги таълим ва спорт иншоотларини барпо этиш, ахборот-ресурс марказлари фаолиятини такомиллаштириш учун сарфланмоқда.

> 4-бет.

## Миллий гурур

### Ёш дастурчининг муваффақияти



Бугун глобал иқтисодийётда компьютер ва телекоммуникация технологиялари, айниқса, дастурий таъминот маҳсулотларига талаб тобора ортиб бормоқда. Жаҳон миқёсида яратилаётган янги ички маҳсулотнинг тахминан 5,5 фоизи ахборот-коммуникация технологиялари соҳасига тўғри келмоқда. Нуфузли халқаро экспертларнинг фикрига кўра, 2020 йилда бу кўрсаткич 9 фоздан ошади.

Биринчи Президентимиз Ислам Каримовнинг 2013 йил 27 июндаги "Ўзбекистон Республикасининг миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори мамлакатимизда бу борадаги ишларни янги босқичга кўтаришда муҳим ҳуқуқий асос бўлмоқда. Бу жараёнда Тошкент ахборот технологиялари университетининг иқтисодли талабалари ҳам ўзларининг янги лойиҳа ва дастурлари билан соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшаётди.

> 6-бет.

## Давра сўхбати

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон халқига Янги йил табригида "Биз кириб келаётган 2017 йилга Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили деб ном бердик. Бунинг негизини "Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан улуг" деган олижаноб мақсад ва вазифалар ётибди. Янги йилда бу борадаги дастурий вазифаларни амалга оширишда барчамизнинг, аввало, раҳбар ва етакчиларнинг бир жону бир тан бўлиб, астойдил меҳнат қилишларига ишонамиз. Юртимизда тинчлик ва барқарорлик, тараққиёт, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибатни мустаҳкамлаш бундан буён ҳам асосий вазифамиз бўлиб қолади", деган сўзлари қалбимизда гурур ва ифтихор уйғотди.

### Ташаббус ва ғоялар тараққиётга хизмат қилади

2017 йил инсон манфаати ҳар нарсадан устун, деган эзгу ғояни изчил давом эттириш, ҳаётимизни янада обод ва фаровон этиш йўлида янги босқич, яна бир улкан қадам бўлади. Инсон ҳаётида ўтаётган куннинг қандай бўлгани, аҳамияти эришган ютуқлари билан белгиланса, Ватан ва халқ тақдирида йиллар муҳим роль ўйнайди. Йиллар сарҳисоб қилинади ва натижалар таҳлили олиб борилади. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси бир гуруҳ фаолларининг бу борадаги фикр-мулоҳазалари ҳамда якунига етган 2016 йил хулосалари билан қизиқдик.

> 2-бет.

## Таҳлил

### Халқимиз депутатлардан амалий ишлар кутмоқда

2016 йил мамлакатимиз ҳаётида унутилмас воқеаларга бой бўлди: юртимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини юксалтириш борасида янги босқич бошланди, халқ билан мулоқот ва инсон манфаатларини таъминлашга қаратилган ишлар сифатини оширишда янги тизим йўлга қўйилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Конституциямиз қабул қилинганнинг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида одамларнинг дардини эшитиш, улар билан очиқ мулоқотда бўлиш, оғирини енгил қилиш — аҳолининг давлат ва жамиятга ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилишини таъкидлади. Бу борада, айниқса, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатлар фаолияти муҳим ўрин тутди. Чунки ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, жойларда кўзга ташланаётган, одамларни ўйлантираётган муаммоларга ечим топиш, сайловчи манфаатларини ҳимоя қилишда депутатлар фаолияти халқ қилувчи аҳамиятга эга. Улар ана шу жараённинг марказида бўлиши, халқ вакили сифатида сайловчилар манфаатларини дадил ҳимоя қилиши лозим бўлади.

Бу жараёнда сиёсий партиялар, хусусан, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг барча даражадаги ташкилотлари ҳамда маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳларидан ўз фаолиятини янада жонлантириши, амалий ташаббус ва саъй-ҳаракатларини қучайтириши талаб этилади.

> 4-бет.

## Ушбу сонда:

### Янги умид, янги орзулар айёми завкли ўтмоқда



> 5-бет.

### Кийим илғич шаклидаги улкан кўприк



> 7-бет.

### Кокос узадиган робот

Ҳиндистоннинг Амрита университети олимлари пальма дарахти устига чиқиш кокос узадиган "Amaran" номли робот-«алпинист»ни ихтиро қилди



> 8-бет.



**"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!**

Нашр кўрсаткичи — 158



www.milliytiklanish.uz  
сайтида ҳам ўқинг!



# Аёллар ва ёшлар бандлиги — долзарб масала

*Мамлакатимизда хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш, ишбилармон, ташаббускор аёлларнинг ғоя ва интилишларини қўллаб-қувватлаш, касба-ҳунар асосида янги иш ўринлари яратишга алоҳида эътибор қаратишмоқда.*



Пойтахтимизнинг Учтепа туманида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, янги иш ўринлари ташкил этиш, аҳоли, айниқса, касб-ҳунар коллежи битирувчилари ва хотин-қизларнинг банк хизматларидан фойдаланишини янада кенгайтириш масалаларига бағишланган семинарда шу хусусда сўз борди.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Тошкент шаҳар кенгаши ҳамда "Тадбиркор аёл" уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда партия фаоллари, банк мутахассислари, тадбиркор ва хунарманд хотин-қизлар, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари, "Хуросон", "Қўрғонтепа" маҳалла фуқаролар йиғини вакиллари иштирок этди.

Тадбирда таъкидланганидек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатимиз иқтисодий тараққиётининг устувор йўналишидан бири саналади. Иқтисодий соҳа ривож, ўз навбатида, халқ фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади. Шу боис истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ мамлакатимизда тадбиркор ва ишбилармонларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг самарали фаолият юритиши учун зарур шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу жараёнда тадбиркор ва хунарманд хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, касб-ҳунар коллежи битирувчиларини иш билан таъминлаш, банк хизматларидан фойдаланиши учун кенг имкониятлар яратилаётгани муҳим ўрин тутмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган доимий эътибор янги иш ўринлари яра-

тиш, аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилмоқда, — деди ЎЗМТДП Учтепа тумани кенгаши раиси Гулнора Ваҳובה. — Ҳар йили минглаб оилавий корхона ва микрофирмалар ташкил этилмоқда. Аҳоли, айниқса, касб-ҳунар коллежи битирувчилари бандлиги таъминланаётгани ва тадбиркорлик субъектлари миллий иқтисодий таъминнинг энг муҳим бўлинига айланаётгани амалга оширилаётган изчил ислохотлар самараларидан. Партиямиз томонидан ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ёшлар ва хотин-қизларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш мақсадида мунтазам давра суҳбатлари, тарғибот-ташвиқот тадбирлари ташкил этилаётди.

ЎЗМТДПнинг "Банк кредитлари — хунармандларга" лойиҳаси ҳам хотин-қизларни соҳага кенг жалб этиш, оилавий тадбиркорлик ва миллий хунармандчиликни ривожлантириш, уларга имтиёзли банк кредитлари ажратилишига кўмаклашиш, соҳа вакиллари хуқуқий маълумот ва банк хизматларининг сўнгги янгиликларидан бохабар қилиш, янги иш ўринлари яратиш, аҳоли бандлиги таъминланишида муҳим аҳамият касб этаётди.

Таъкидлаш жоиз, бугунги кунда маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг аксарияти импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришга, бозорларимизни эса сифати паст маҳсулотлардан ҳимоя қилишга мўайян улуш қўшмоқда. Бу ЎЗМТДПнинг сайловолди Платформасида белгиланган мақсад-вазифаларга ҳар жиҳатдан уйғун ва ҳамохангидир. Партия миллий бозорни сифати паст, халқаро андозаларга мос келмайдиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришдан муҳофаза этиш ва қулай сармоя муҳитини шакллантиришнинг ўзининг иқтисодий соҳадаги устувор вазифаларидан бири, деб ҳисоблайди. Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашга қаратилган партия лойиҳалари ана шундай мақсад рўёбига хизмат қилмоқда.

Бугун касб-ҳунар коллежларини тамомлаб, тижорат банкларининг имтиёзли кредитлари асосида ўз тадбиркорлик ишини бошлаган қизларимиз кўпчилигини ташкил этади, — деди "Тадбиркор аёл" уюшмаси туман бўлими раҳбари Сайёра Тўлаганова. — Улар қандоқчилик, пазандалик, чеварлик, хизмат кўрсатиш, миллий

хунармандлик, шифобахш ўсимликлар асосидаги фармацевтика каби йўналишларда тенгқурлари учун қўшимча иш ўринлари яратиш, ўз бизнесини муваффақиятли юритмоқда. Хусусан, ўтган йилнинг 9 ойи давомида партия туман кенгаши, "Тадбиркор аёл" уюшмаси ҳамда хотин-қизлар кўмитаси туман бўлими ўзаро ҳамкорликда 80 дан зиёд аёлга ўз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиши учун амалий ёрдам кўрсатди. Бундан ташқари 25 нафар коллеж битирувчисига ҳам тадбиркорлик билан шуғулланишига кўмаклашилди. Улардан икки нафари оилавий корхона очди, 15 нафари яққа тартибда фаолият бошлади. Бунинг натижасида 20 дан ортиқ янги иш ўрни яратилди.

Учтепа туманида ташкил этилган "Аҳборот ойнаси" ўқув марказида 480дан ортиқ хотин-қиз тадбиркорлик асослари, бизнес-режа ишлаб чиқиш, солиқ ва солиқ имтиёзлари бўйича ўтказилган семинар-тренингларда билим ва малакасини оширди. Улардан 28 нафарига имтиёзли кредит берилди.

Тадбирда таъкидланганидек, корхона ва маҳаллаларда кас-

начиликни, айниқса, "устоз-шогирд" анъанаси асосида хунармандликни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Қўллаб уй бекалари, хунар ўрганиш истагидаги қизлар шу асосда касб-ҳунарли бўлиб, оилаларига қўшимча даромад келтираётди.

Буларнинг барчаси мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, хотин-қизлар ва ёшларни тадбиркорликка жалб этиш борасида амалга оширилаётган изчил ишлар самарасидир.

## Насиба БАХТИЁРОВА, "Тоҳинисо Файз" корхонаси раҳбари:

— Мамлакатимизда биз, тадбиркорларга кенг имконият ва имтиёзлар яратилмоқда. Президентимизнинг 2016 йил 5 октябрдаги "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони ҳам бу бордаги ишлар самарадорлигини янада оширди.

Мазкур ҳужжат ижроси доирасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар самарасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида фаолият юритаётган аёллар, оилавий тадбиркорлар сафи тобора кенгаймоқда.

Хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш мақсадида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси туман кенгаши ва "Тадбиркор аёл" уюшмаси туман бўлими кўмагида "Микрокредитбанк" дан имтиёзли кредит олди. Айни пайтда болалар либослари тикилаётган корхонамиз ишчиларининг аксариятини касб-ҳунар коллежларини битирган қизлар ташкил этади.

## Ойдин АЛИМАРДОНОВА, "Milliy tiklanish" муҳбири

# Ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик — муваффақият гарови

## Кашқадарё

ЎЗМТДП Деҳқонобод туман кенгаши "Маҳалла" хайрия жамоат фонди туман бўлими билан ҳамкорликда "Маҳалла — маънавият бешиги" мавзусида давра суҳбати ташкил этди. Унда партия туман кенгаши аъзолари, "Истиқлол", "Ўзбекистон", "Бўстон" маҳалла фуқаролар йиғинлари вакиллари, бошланғич партия ташкилотлари фаоллари ҳамда ёшлар иштирок этди.

— Истиқлол йилларида маҳалла институтининг нуфузи ошиб, унинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётимиздаги ўрни ва таъсири кенгаймоқда, — деди ЎЗМТДП Деҳқонобод туман кенгаши раиси Тўйчи Мардонов. — ЎЗМТДП сайловолди Платформасида миллий анъана ва кадрлар инновациялари бўлган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳалла институтини ривожлантириш, унинг ҳуқуқий мақомини оширишга кўмаклашиш муҳим вазифа сифатида белгиланган.

Тадбирда ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик ва тотувлик, эҳтиёжманд оилаларга ёрдам қўлини чўзиш, тўй-томоша ва оилавий маросимларни бамаънавият ўтказиш каби азалий удувларимиз, аввало, маҳалла муҳитида шаклланиши, бугунги глобаллашув даврида ёшлар тарбиясида маҳалла, мактаб ва ота-она ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш давр талаби эканлиги таъкидланди.

## Навоий

ЎЗМТДП Навбахор туман кенгаши "Миллий тикланиш" газетаси кунлари "Лойиҳаси доирасида" "Партия ғояларини тарғиб қилишда "Миллий тикланиш" газетасининг ўрни" мавзусида давра суҳбати ташкил этди. Унда партия туман кенгаши фаоллари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгаш депутатлари, Маънавият тарғибот маркази туман бўлими вакиллари, бошланғич партия ташкилотлари етакчилари ҳамда ёшлар қатнашди.

— Мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим сиёсий ўзгаришлар, юртимизда барча соҳада амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, маънавий, маърифий йиғинликлардан аҳолини, газетхонларни хабардор қилишда "Миллий тикланиш" газетаси муҳим ўрин тутди, — деди партия Навбахор туман кенгаши раиси Фахриддин Ражабов. — Газетада ЎЗМТДП дастурий мақсад-вазифалари кенг тарғиб қилиниб, унинг барча даражадаги ташкилотлари ҳамда депутатлик бирлашмалари фаолияти мунтазам ёритилаётди. Унинг воситасида аждоқларимиздан мерос бой ва бетакрор миллий кадрларни асраб-авайлаш, хунармандлар фаолияти, маданият янгиликлари, мамлакатимиз ва хорижда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий воқеалар билан доимий танишиш имконига эга бўляпти.

Тадбирда "Миллий тикланиш" ижтимоий-сиёсий газетасининг жамият ҳаётида тутган ўрни ва аҳамияти, эълон қилинаётган материаллар хилма-хиллиги ва мазмундорлиги, обуначилар сонини кўпайтириш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Давра суҳбати баҳо-мунозарига бой тарзда ўтди.

## Хоразм

ЎЗМТДП Янгиерик туман кенгаши "Аёллар қаноти" ташкил этган "Оналар ва болалар саломатлиги — бош мақсадимиз" мавзусидаги тадбирда мамлакатимизда оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш борасида амалга оширилаётган сўй-ҳаракатларда ЎЗМТДПнинг иштироки хусусида сўз юритилди.

— Халқимиз қадимдан бўлажак оналар ва туғилажак фарзандлар саломатлигига алоҳида эътибор қаратган, — деди партия Янгиерик туман кенгаши "Аёллар қаноти" фаоли Ойнахон Юсупова. — Зеро, соғлом она — бу соғлом насл, соғлом миллат демак. Фақат соғлом авлод ва миллатгина Ватан равнақи, жамият тараққиёти ва халқ фаровонлигини таъминлашга қодир.

Тадбирда ЎЗМТДП сайловолди Платформасида аҳолининг тиббий маданиятини ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, ёш оилаларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, соғлом ва мустаҳкам оилалар сонини янада кўпайтириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш бўйича олиб борилаётган кенг қўламли ишларга кўмаклашиш каби масалалар устувор вазифа сифатида белгилангани эътироф этилди. Шу боис жойларда партия ташкилотлари, депутатлар ҳамда туман тиббиёт бирлашмаси мутахассислари ҳамкорлигида мунтазам тарғибот тадбирлари ташкил этиш, уларда соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш юзасидан фикрлашилди.

## Усмон АБДУРАСУЛОВ, "Milliy tiklanish" муҳбири

## Бошланғич партия ташкилотлари — бош таянчимиз

# Фаол ёшларни қўллаб-қувватлаш

## бошланғич партия ташкилоти фаолиятининг асосий мезони

*Партия ғоя-мақсадларини аҳоли орасида кенг тарғиб-ташвиқ қилиш, дастурий вазифаларни амалга ошириш, электорат манфаатларини ҳимоялашда бошланғич партия ташкилотларининг ўрни ва аҳамияти катта. Чунки кўйи бугун электоратни ўйлантираётган масалаларни ўрганиш, фуқаролар мақсад ва манфаатларини рўёбга чиқарадиган куч сифатида одамлар ҳаётидаги муаммоларни юқори партия ташкилотларига олиб чиқиш ваколатига эга. Бу, ўз навбатида, бошланғич партия ташкилотлари зиммасига катта масъулият юклайди. Зеро, кўйи бугун воситасида тегишли мутасаддилар аҳолининг мурожатларини тингласа, унинг ечимини топишга ҳаракат қилса, бу юртимиз янада обод бўлишига, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади.*

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама камол топтириш, таълим олиши, меҳнат қилиши, маданият, спорт билан шуғулланиши учун имкониятларни янада кенгайтириш борасидаги сўй-ҳаракатларни ҳам қўллаб-қувватлаш, ҳам кўмаклашиб келмоқда. Бу жараёнда Шайхонтоҳур туманида жойлашган "Kostle Rosk Trade" хусусий корхонамиз қошида ташкил этилган бошланғич партия ташкилоти ҳам фаол иштирок этишга интиломоқда. 2015 йилда ташкил этилган мазкур кўйи бўлимининг 20 дан ортиқ аъзоси бор. Уларнинг аксарияти ёшлардан иборат.

Бошланғич партия ташкилоти ЎЗМТДП сайловолди Платформасида белгиланган мақсад ва вазифаларга уйғун тарзда фаолият олиб бормоқда. Аҳолининг элек-

торат қисми бандлиги, биринчи навбатда, хотин-қизлар ва ёшларни иш билан таъминлашни янада кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратяпмиз.

Корхонамизда олти-етти турдаги пластмасса маҳсулотлари ва алюминий қоққоқлари ишлаб чиқарилмоқда. "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" белгиси остида ўтган йили Туркменистон ва Қозғистонга 30 минг АҚШ доллари миқдорда маҳсулот экспорт қилдик. Бу йил кўрсаткичларни янада ошириш, экспортга қаратилган фаолиятимизни янада кенгайтиришни режалаштирганмиз. Бунинг учун ишлаб чиқаришга замонавий техника ва технологияларни жалб этишни кенгайтираемиз. Янги иш ўринлари очиб, асосан, коллеж битирувчилари бандлигини таъминлашга кўмаклашишни мақсад қилганмиз.

Аҳолини, айниқса, ёшларни ўйлантираётган муаммоларга жиддий эътибор қаратяпмиз. Айни шу мақсадда ёшлар билан давра суҳбати, ўқув-семинар ҳамда тадбирлар ташкил этилди, уларда ёшларга амалий таълим, кўрсатма ва тавсиялар берилмоқда.

Бу борада ЎЗМТДП Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман кенгаши билан яқин ҳамкорлик ўрнатганмиз. Тадбирларни мунтазам ҳамда ҳамкорликда ўтказиш анъанага айланган. Хусусан, "Ўзбек кураши" — миллий қадриятларимиз, матонат, жасорат, ватанпарварлик ва инсонпарварлик тимсолидир", "ЎЗМТДПнинг ёшларга оид сиёсати: асосий йўналишлари, таъриби ва истиқболдаги вазифалари", "Глобаллашув жараёнида ёшларда Интернет маданиятини шакллантиришнинг долзарб вазифалари", "Конституция — бахтимиз қомуси", "Конституция — тинч ва фаровон ҳаётимизнинг ҳуқуқий асоси", "Китобнинг ёшлар маънавиятини шакллантиришда-



ги ўрни ва аҳамияти", "Мамлакатнинг иқтисодий ривожиди тадбиркор аёлларнинг роли", "Миллий тикланиш" газетаси кунлари "Лойиҳаси доирасида" "Партия ғояларини тарғиб қилишда "Миллий тикланиш" газетасининг ўрни" мавзуларида ташкил этилган тадбирлар ёшлар маънавиятини юксалтиришда муҳим ўрин тутмоқда.

Сиёсий куч атрофида бирлашган ҳар бир аъзо партия мақсад ва ғояларини чуқур билиши, мамлакат миллий манфаатларини ифода қилиши, зиммасидаги масъулиятни теран ҳис этмоғи лозим. Зеро, партияга аъзо бўлган ҳар бир шахснинг сиёсий жараёнлар тўғрисидаги тўлиқ тасаввур ва қарашлари айнан бошланғич ташкилотда шаклланади. Демак, аъзоларнинг қанчалик фаол бўлиши бевосита бошланғич партия ташкилоти фаолиятига боғлиқ. Шундай экан, тинимсиз изланиш, имкониятлардан унумли фойдаланиш, 2017 йилда электорат ичига янада чуқур кириб бориш,

партия дастурий мақсад-вазифаларини масъулият билан бажаришимиз лозим. Бунда "Kostle Rosk Trade" хусусий корхонаси қошида ташкил этилган бошланғич партия ташкилотимиз ЎЗМТДП Шайхонтоҳур туман кенгаши билан яқин ҳамкорликда иш олиб бориши самарали натижа бериши шубҳасиз.

Бир сўз билан айтганда, партия ғояларини изчил тарғиб этишда ҳеч бир бўғин бошланғич ташкилотлар каби юқори ва самарали имкониятга эга эмас. Фақат уларни тўлиқ ишга солиш, эришилган натижалар билан кифояланиб қолмай, электорат манфаатларини таъминлашга қаратилган фаолиятни изчил олиб бориш талаб этилади. Шундагина хайрихоҳлар сафи янада кенгайиб, қўзланган мақсадларга албатта эришилади.

## Нодир АШРАПОВ, "Kostle Rosk Trade" хусусий корхонаси қошидаги БПТ раиси

Таҳлил

# Халқимиз депутатлардан амалий ишлар кутмоқда

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

2016 йилда маҳаллий Кенгашлардаги ҲМТДП гуруҳлари қонунчиликда белгиланган депутатлик сўровлари, мансабдор шахслар ҳисоботларини тинглаш, доимий комиссиялар йиғилишларига таклифлар киритиш ҳамда сессияларга ташаббус-масалалар билан чиқиш каби ваколат ва ҳуқуқларидан фойдаланиб, ҳудудлар билан боғлиқ турли масалаларга ечим топишга кўмаклашди.

Масалан, йил давомида маҳаллий Кенгашлардаги ҲМТДП гуруҳларимиз ташаббуси билан тегишли Кенгашлар сессияларида 650 дан ортиқ мансабдор шахс ҳисоботи эшитилган бўлса, доимий комиссиялар йиғилишларида 300 га яқин таклифлар киритилган.

Депутатлик сўрови давлат ҳокимияти бошқаруви органлари фаолияти устидан депутатлик назоратини амалга ошириш, қонунлар ижросини таъминлашда муҳим ўрин тутди, сайловчилар, партия электорати вакилларини ўйлантираётган масалаларни ҳал этишга хизмат қилди. ҲМТДП гуруҳлари 3,5 мингдан ортиқ депутатлик сўровини амалга оширди. Бу кўрсаткич 2015 йилга нисбатан анча кўп. Бироқ бу рақамлар, амалга оширилган ишларни етарли даражада деб бўлмайди. Агар депутатлик сўровларини ҳудудлар кесимида таҳлил этсак, айрим депутатларимиз бу борада сусткашликка йўл қўйгани, ўз ваколат ва ҳуқуқларидан етарлича фойдаланмаганига гувоҳ бўламиз. Масалан, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги ҲМТДП гуруҳи йил давомида жами 95 депутатлик сўровини амалга оширган, холос. Ёки халқ депутатлари Самарқанд вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳлари 2015 йилга нисбатан 63 та кам депутатлик сўрови юборган. Ваҳоланки, депутат ўз фаолияти самарадорлигини йилдан-йилга ошириб, кучайтириб бориши лозим.

— Ҳаёт кундан-кунга ўзгариб, олдимизга янги-янги талабларни қўймоқда, — дейди халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгашидаги ҲМТДП гуруҳи раҳбари Садбарой Мамитова. — ҲМТДП гуруҳи 174 депутатлик сўровини амалга оширди. Бироқ бу қоникорлик натижа эмас. Бугунги кун депутати ўз зиммасига катта масъулият юклаганини унутмаслиги лозим. Қайсида ҳудудда аҳолини ташвишлантириб келаятган муаммо бўлса, уни ўз ҳоли-

га ташлаб қўймаслик зарур. Чунки депутат ўзи сайланган ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, янада кўркам ва обод бўлиши учун масъул шахс. Ҳар бир депутат депутатлик сўрови, ижро ҳокимияти раҳбарлари ҳисоботини эшитиш механизмларидан самарали фойдаланиши зарур. Бошланган янги йилда бу борадаги ишларимизни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилган, аҳоли манфаатларини муносиб ҳимоя қилиш, уларнинг орзу-умидлари, ўй-ташвишларига кулоқ тутиш, Ёнча халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга ҲМТДПдан сайланган депутатлар партия дастурий мақсадлари ва электорат манфаатларига мос келадиган турли масалаларни сессиялар кун тартибига киритишга интиломда. Миллий кадрият ва тарихий меросимизни асраб-авайлаш, ҳудудларда туризмни ривожлантириш, мамлакатимиз бўйлаб давом этаятган кенг қўламли бунёдкорлик ишларида Шаҳарсозлик кодекси меъёрларига амал қилиш, оммавий муомалада ўзбек адабий тили қоидалари бузилишининг олдини олишга қаратилган масалалар шулар жумласидандир. 2016 йилда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги ҲМТДП гуруҳлари ташаббуси билан 120 дан ортиқ масала сессияда муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинишига эришилди. Бу эса, ўз навбатида, партия сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, ҳудудларни янада ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда. Аммо бу борада ҳали фойдаланилмаган имкониятлар ҳам бор. Айрим партия гуруҳлари сессияларга бир ёки иккита ташаббус-масала киритиш билан чеклангани ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди.

Шу ўринда таъкидлаш жоиз, ҳудудий партия ташкилотлари ва гуруҳлари ҲМТДП сайловолди Платформасида белгиланган устувор вазифаларни партия Марказий кенгаши тақдим этган чора-тадбирлар режаси асосида ҳаётга изчил татбиқ этишга интиломда. Бироқ бу борада ҳали қилнадиган ишлар кўп. 2016 йилда амалга оширилган

ишларни чуқур таҳлил этиб, бошланган йилда бажарилиши лозим бўлган чора-тадбирларни белгилаб оляпмиз. Хусусан, бу йилда ҳам партия мақсад-вазифаларидан келиб чиқиб, юртимиздаги маданий мерос объектларини асраб-авайлаш, давлат дастурларининг ҳудудлардаги ижросини назорат қилиш, давлат тили мавқеини янада юксалтириш, маҳалланинг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлаш каби масалалар диққат эътиборда бўлади. Депутатларнинг бу борадаги фаолиятини янада юксалтириш мақсадида ҳудудларда турли учрашув ва семинарлар ташкил этилади. Яна шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бирор масалани фақат сессия кун тартибига киритиш ёки қарор чиқаришга эришиш билан чекланиб қолмай, қабул қилинган қарор ижросини назорат қилишга алоҳида эътибор қаратиш, бу борадаги муаммо ва камчиликларни ўз вақтида бартараф этишга ҳаракат қилишимиз лозим бўлади.

Давлатимиз раҳбари Бош қомусимиз қабул қилинганнинг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимда ҳар бир туман ва шаҳарда "Халқ қабулхоналари"ни ташкил этиш ва уларнинг тўлақонли фаолият кўрсатишини таъминлаш масаласини илгари сурди. Бундай қабулхоналар сиёсий партиялар тизимида фаолият кўрсатиши лозимлиги, чунки сиёсий партия фуқароларнинг мақсад ва манфаатларини рўйбга чиқарадиган куч сифатида одамлар ҳаётидаги муаммолардан доимо хабардор бўлиши кераклиги алоҳида таъкидланди. Бу эса, ўз навбатида, партиядан сайланган депутатлар зиммасига қатор вазифалар юклайди.

Бир сўз билан айтганда, бугун халқ вакили зиммасига улкан вазифа ва масъулият юкланган. Улар бу вазифаларни фақат жонқурлик, фаоллик ва ташаббускорлик билангина адо этиши, фақат шу йўл билангина халқ ишончини оқлаши мумкин. Яъни, депутат ўзи сайланган ҳудуд ободлиги ва фаровонлиги ҳақида қайғуриши, кишиларни ташвишга солаётган муаммо ва масалаларни ўрганиши, уларни бартараф этишга ҳаракат қилиши лозим. Ҳар бир депутат яқунланган йилдаги фаолиятини таҳлил қилиб, ютуқ ва камчиликлардан тўғри хулоса чиқарса, келгуси муваффақиятларига замин яратлади.

**Илхом РАСУЛОВ,**  
**ҲМТДП Марказий кенгаши**  
**Ижроия кўмитаси девони**  
**бўлим бошлиғи**

Сарҳисоб

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Бош қомусимизнинг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришишга бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқиди илгари сурилган устувор вазифаларни сиёсий партиялар ва депутатлик бирлашмалари зиммасига катта масъулият юклайди, улар фаолиятини янада кучайтириши тақозо этади. Айниқса, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги депутатлар ўз фаолияти, амалий ишлари, фуқароларнинг муурожаатларига муносиб жавоб бериши билан халқ манфаатларини ҳимоя қилиш ва таъминлашда ташаббускор бўлиши лозим.

# Бир йиллик фаолият

қандай ташкил этилди ва самара берди?



Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Тошкент вилоят кенгаши ташаббуси билан Пискент туманида ташкил этилган "Депутатнинг ўтган бир йили" мавзудаги ҳисобот тадбирлари бу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилди. Тадбир халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга ҲМТДПдан сайланган депутатларнинг йиллик ҳисоботини тинглаш, ўтган йил давомида амалга оширган ишларини сарҳисоб қилиш, шунингдек, янги йилдаги фаолияти режаларини муҳокама қилиш мақсадида ўтказилди. Унда партия вилоят ва Пискент туман кенгашлари ходимлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга ҲМТДПдан сайланган депутатлар, қуйи бўғинлар етакчилари ҳамда партия фаоллари иштирок этди.

Тадбирда ҲМТДП Тошкент вилояти кенгаши Ижроия кўмитаси девони раҳбари Шухрат Насимов маъруза қилди.

— Мамлакатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг маърузаларида белгиланган устувор вазифалар ҳар биримизни ўз фаолиятимизга ҳолис, танқидий ва таҳлилий баҳо бериб, уни янги, юқори босқичга кўтаришга ундайди. Бунинг учун, аввало, ўтган даврдаги фаолиятимизни сарҳисоб қилишимиз лозим. Халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашидаги 6, туман ва шаҳар Кенгашларидаги 73 депутатимиз 2016 йилда қатор амалий ишлар, тарғибот-ташвиқот тадбирларини олиб борди. Депутатларнинг ўз округларида сайловчилар билан ўтказган учрашувларида "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурида белгиланган мақсад-вази-

фалар, янги қабул қилинган қонун ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳияти кенг тарғиб этилди. Партия сайловолди Платформасида белгиланган мақсад-вазифалар асосида ишлаб чиқилган чора-тадбирлар юзасидан тарғибот ишлари, маънавий-маърифий тадбирлар, давра суҳбати ва семинарлар ташкил этилди. Шу билан бирга, депутатларимиз фаолиятида эътибор қаратилмаган жиҳатлар, камчиликлар, сусткашликка йўл қўйилган ҳолатлар ҳам бўлди. Янги йилда ана шу камчиликларни бартараф этган ҳолда фаолиятимизни тубдан кучайтиришимиз, Президентимиз белгилаб берган вазифаларни амалга ошириш, халқ манфаатларини таъминлашга жиддий масъулият билан ёндашишимиз керак.

Ҳисобот тадбирида халқ депутатлари Тошкент вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига ҲМТДПдан сайланган депутатларнинг 2016 йилдаги фаолияти таҳлил қилинди. Улар ўтган йилда 400 га яқин депутатлик сўровини амалга оширган. 2015 йилда 230 дан ортиқ сўров юборилгани инobatта олинса, сўровлар сони қарийб икки баробарга кўпайгани аён бўлади. Уларнинг аксарияти ижобий ҳал қилинган, қолганлари ҳозирда ижрода экани — тегишли давлат ташкилотлари ва корхоналарда босқичма-босқич ўрганиб чиқилаётгани таъкидланди. Партия гуруҳлари ташаббуси билан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар сессияларига 10 ташаббус-масала олиб чиқилди, 10 мансабдор шахсининг ҳисоботи тингланган, доимий комиссиялар йиғилишларига 10 таклиф киритилиб, улар асосида те-

гишли қарорлар қабул қилинишига эришилди.

Тадбирда халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи аъзоси Насиба Қорабобоева, халқ депутатлари Пискент туман Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Марҳаб Қурбонованинг бир йил давомида амалга оширган ишлари бўйича ҳисоботи тингланди. Таъкидланганидек, ўтган йил давомида партия гуруҳлари аъзолари амалга ошир-

ган сўровлар, мансабдор шахсларнинг эшитувлари, сессиялар ҳамда доимий комиссиялар йиғилишларида илгари сурилган таклифлар партия дастурий мақсадлари ижросини, электорат манфаатларини таъминлашга хизмат қилди. Биргина халқ депутатлари вилоят Кенгашига сайланган депутатлар турли ташкилот ва корхоналарга 55 депутатлик сўрови юборди, улар ташаббуси билан тегишли йиғилишларда 23 мансабдор шахснинг ҳисоботи тингланди, доимий комиссиялар йиғилишларига 4 таклиф, вилоят Кенгаши сессиясига битта ташаббус-масала олиб чиқилди.

Депутатлар фаолиятидаги ушбу кўрсаткичлар танқидий таҳлил қилиниб, Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида улар фаолиятини тубдан кучайтириш лозимлиги таъкидланди. Президентимиз ташаббуси билан "Халқ қабулхоналари" ташкил этилаётгани маҳаллий Кенгашлар депутатлари зиммасига янада катта масъулият юклаши қайд этилди. Одамлар билан яқиндан мулоқотда бўлиш, уларнинг дарду ташвишларини, муаммоларини эшитиш ва ҳал этиш чораларини кўриш, ҳудудларда ўз ечимини қутаётган масалаларга жонқурлик билан ёндашиш депутатларнинг кундалик ишига айлиниши лозим. Бу борада депутатлар ҳамда партия ташкилотлари ўзаро ҳамкорликда иш олиб бориши амалга оширилаётган ислохотлар мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилиш, халқ манфаатларини таъминлаш, жойлардаги масалаларни депутатлик ва жамоатчилик назорати воситасида ҳал этиш имкониятларини янада кенгайтириши таъкидланди. Бу эса депутатларимиздан янада фаоллик, ташаббускорлик, қатъиятликни талаб этади.

Тадбирда халқ депутатлари Тошкент вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги халқ вакилларининг фаолиятини янада кучайтиришга қаратилган фикр-мулоҳазалар ҳамда таклифлар билдирилди. 2017 йилда депутатлар томонидан амалга оширилиши зарур бўлган чора-тадбирлар, долзарб вазифалар белгилаб олинди.

**Муҳтарома КОМИЛОВА,**  
**"Milliy tiklanish" мухбири**

Депутат нигоҳи

# Маънавиятни асраш — келажакни асраш демакдир

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Ёшларимиз ҳам, ўз навбатида, мазкур имкониятлардан самарали фойдаланиб, турли халқаро спорт ва фан олимпиадаларида юқори натижаларни қўлга киритиб келмоқда.

Аммо барчани жиддий ўйлантираётган масалалар ҳам борки, улардан асло кўз юмиб бўлмайди. Маълумки, бугунги ахборот асрида ёшларимиз ўзларини қизиқтирган маълумотларни асосан телевидение ва Интернет тармоғи воситасида олмақда. Бироқ уларда тарқатилган маълумотларнинг барчасини ҳам ўсиб келаятган ёш авлод учун фойдали, деб бўлмайди. Бугун мамлакатимиз аҳолисининг 60 фоизи рақамли телевидение хизматидан фойдаланмоқда. Айрим ҳудудларда эса кабель ҳамда Интернет телевидениелар фаолият юритаётди. Баъзида ушбу оммавий ахборот воситалари орқали маънавиятимизга мос келмайдиган хоржий кинофильмлар, сериаллар намойиш этилаётгани ҳам сир эмас. Айрим телеканалларда эфирга узатилаётган хоржий фильмларда асосан зўравонлик, беҳаёлик тарғиб қилинаётди. Бу каби фильмлар таъсирдан фарзандларни энг

аввало, оила ва ота-она асраб-авайлаши лозим. Ҳар бир ота-она ўз фарзандининг нима иш билан машғуллигини, телевидение қандай кино ёхуд кўрсатув кўраётганини ҳамisha назорат қилиб бориши керак.

Шу ўринда кундалик турмуш тарзимизда миллий кадриятларни четта суриб қўяётган одатлар ҳам пайдо бўлаётганидан кўз юмиб бўлмайди. Жумладан, никоҳ тўйида келин-куёвларнинг бошқа миллатлар одатларидан андоза олиши, хусусан, уларнинг барча меҳмонлар қаршисида "вальс"га тушиши, "Lovely store" — севги тарихи ҳақида лавҳалар намойиш этилиши урфга айланган бораётгани афсусландир.

Жаҳон амалиёти шундан далolat берадики, ҳозирги кунда ёшлар асосий ахборот манбаи сифатида Интернетта муурожаат қилмоқда. Фойдаланилаётган ахборот воситаларининг катта қисми асосан "Twitter", "Facebook", "Одноклассники" каби ижтимоий тармоқлар ва видео, аудио порталлар ҳисобига тўғри келади. Фақат маълум бир қисминга зарарли таъсир этмайдиган — илмий, маданий ва маърифий сайтлардан фойдаланётганини кузатиш мумкин. ХХ асрда инсониятга ядро қуроли катта ҳаёф солган бўлса, бугунги кунга келиб турли

мақсадларни кўзлаб уюштирилаётган ахборот хуружлари халқлар, давлатлар, минтақалар ҳаётини, келажак тақдирини таҳликага қўймоқда. Бугунги кунда глобал тармоқда ўз жонига қасд қилишининг осон йўллари тарғиб қилувчи 9 минг, шахсоний мазмундаги 4 мингдан зиёд сайт мавжуд бўлса, 49 фоиз компьютер ўйинлари зўравонлик ва ёвузлики тарғиб қилади. Айни вақтда 42 фоиз болалар ва ўсмирлар онлайн тарзида тарқатиладиган порнография таъсирига бутунлай тобе бўлиб қолган. Халқаро экспертлар дунё миқёсида 38 фоиз бола зўравонлик руҳидаги сайтларга, 26 фоиз миллатчилик характеридаги веб-саҳифаларга мунтазам киришини тасдиқламоқда.

Биринчи Президентимизнинг "Юксак маънавият — энгилмас куч" китобида таъкидланганидек, "Интернет — бу катта бир дўкон. Дўконга борганда, одам хоҳлаган молини сотиб олади. Интернетни ҳам шундай бир бозор, яъни ахборот бозори, деб тушуниш керак". Мадомики шундай экан, ўсиб келаятган авлодин ахборот маконига кирганда, фақат ўзи учун зарур ва фойдали нарсани олишга, Интернетдан фойдаланиши маданиятини ўргатиш барчамизнинг зиммамиздаги энг муҳим ва долзарб вази-

фадир.

Бугунги глобаллашув даврида Интернет орқали менталитетимизга мутлақо ёт мафкура ва дунёқарашни ёшларимиз қалби ва онгига синдиришга уринаётганлар борлиги, айниқса, хатарлидир. Зеро, мафкурарий хуружлар, аввало, ёшларнинг онгини заҳарлашга қаратилган бўлиб, "оммавий маданият" деб аталаётган иллат халқимизнинг маънавий бойлиги бўлган одоб-ахлоқ, ибод, ор-номус, ирода, шарм-ҳаё, андиша каби фазилатларимизни нурсизлантириб, кўп минг йиллик миллий кадриятларимизга путур етказаяпти. Албатта, биз ёш авлодин ахборот излаш, олиш каби конституцион ҳуқуқларини амалга оширишда телевидение ва Интернетдан фойдаланишни тақиқлаш ёки чеклаш фикридан йироқмиз. Бироқ, кўринишидан арзимас бўлиб туюлган кичик ахборот ҳам келгусида ўрнини ҳеч нарса билан тўлдириб бўлмас катта муаммо ва зиддиятларга олиб келиши мумкинлигини унутмаслигимиз керак. Шу кўлаи назардан ўсиб келаятган ёш авлод онгига ахборотимунитетини шакллантириш бугуннинг муҳим вазифасидир.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг сайловолди Платфор-

масида халқимизга ёт ва ёш авлод онги учун зарарли бўлган "оммавий маданият"нинг салбий таъсирини ёшларни муҳофаза қилиш мақсадида уларни миллий тикланиш, миллий маданият ва кадриятларни эъзозлаш руҳида тарбиялаш, ёшларнинг камолотига хизмат қиладиган креатив ахборот муҳитини яратиш, болаларни уларнинг жисмоний ва маънавий-ахлоқий ривожланишига зарар етказадиган ахборотлардан муҳофаза қилиш асосий мақсад-вазифалардан этиб белгиланган. Шу боис барча даражадаги партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари ҳам айна масалага алоҳида эътибор қаратиши лозим бўлади. Бу борада юқори савияли телевизион кўрсатув ва радиоситтирувларни уюштириш, миллий кадриятлар ва урф-одатларимизга мос бадиий фильмларни яратиш, ёшларни ахборот-ресурс марказларига жалб этиш, миллий ахборот маконини босқичма-босқич ривожлантириш каби дастурий мақсад-вазифаларнинг амалга оширилиши ҳам бу йўналишдаги ишлар самарадорлигида муҳим аҳамият касб этади.

**Марҳаб ҒАҒУБОВА,**  
**Шухрат ТҲАҒАБОВЕВ,**  
**ҲМТДП фракцияси аъзолари**

Мозийдан садо

# Тарихий обидалар — бебаҳо бойлигимиз

*Ўз тарихига, тўпланган тажрибага, дунёда энг катта бойлик саналган интеллектуал салоҳиятга чуқур ҳурмат билан ёндашиш ҳар қандай давлатнинг моддий ва маънавий тараққиёти асосини ташкил этади.*

Истиқлол йилларида миллий ва маънавий қадриятларимизни тиклаш, ўрганиш ва тарғиб этиш, маданий ёдгорликлар, муқаддас қадим-жоларни асраб-авайлаш, уларни асл қиёфасига мос тарзда белгиланган меъморий талаблар асосида қайта тиклаш ва таъмирлаш бўйича кенг кўламли ишлар бажарилди ва бу эзгу иш изчил давом этмоқда. Кўҳна тарихимиз, бой маданий меросимиз, юртимизнинг бугунги ҳаётини хорижий мамлакатларда тарғиб этиш бўйича маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилмоқда.

Сурхондарё ўзининг бой номоддий мерос объектлари — кўп асрлик осори-атиқалари, ноёб меъморий обидалари, ҳунармандчилиги, дунё илм-фанига бекиёс ҳисса қўшган алломалари билан машҳур.

Сурхондарё вилояти собиқ тузум даврида ёпиқ ҳудуд ҳисобланарди. Вилоятдаги ноёб тарихий ёдгорликлар қаровсизликдан ҳароб аҳволга тушиб қолган эди. Истиқлол йилларида бу ерда кенг ва раvon йўллар, шинам меҳмонхоналар, замонавий хизмат кўрсатиш шохобчалари бунёд этилди. Тарихий обидалар қайта тикланиб, буюк алломалар қадим-жолари билан ошди. Султон Саодат мажмуаси, Исо Термизий, Ҳаким Термизий, Сўфи Оллоёр мақбаралари бугун юртдошларимизнинг зиёратгоҳига айланган. Айниқса, минтақада ягона бўлган Термиз археология музейи қадимий ва ноёб осори-атиқаларга бойлиги билан дунё қадимшунослари ва хорижлик сайёҳларда катта қизиқиш уйғотаётир.

Биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримов ташаббуси билан барпо этилган мазкур музей халқимизнинг буюк ўтмишини ўзида муҳасира этган. Юртимизга ташриф буюраётган ақсарият сайёҳлар бу даргоҳда бўлиб, қадимий шаҳар маданияти, тарихи ва ривожланиш босқичлари билан яқиндан танишмоқда. Япония, Франция, Германия каби ривожланган давлатларнинг машҳур археологлари миллоддан аввалги V асрда шаклланган шаҳарнинг янги қирраларини кашф этишда қадимшуносларимиз билан мустаҳкам ҳам-

корлик ўрнатган. Бу борада олиб борилаётган изланишлар ўз самарасини бераётир. Музей янги-янги экспонатлар билан бойимокда.

Эрамиздан аввалги VI асрда Термизга келган Аҳамонийлар сулоласи бу шаҳарни "қадимги шаҳар" деб атаган. Тамаддунлар чорраҳасида жойлашган ушбу азим шаҳар асрлар давомида бот-бот вайронага айланган ва қақнус каби қул ичидан яна қайта жонланган. Замонавий Термиз шаҳри XIX асрнинг сўнгги йилларида Паттакесар қишлоғи ўрнида ташкил топган. Тарихий обидалар асосан шаҳар атрофидаги ҳудудда жойлашган. Шу сабаб ҳам "Эски Термиз" ноини олган.

Ўзбекистон буюк алломалар юрти.



Заминимизда туғилиб, камол топган мутафаккирларнинг жаҳон илм-фани ривожига қўшган ҳиссаси неча асрларки эътироф этилиб, чуқур тадқиқ этилмоқда. Улуғ аллома Ҳаким ат-Термизий тасаввуфнинг "Ҳакимия" мактаби асосчиси саналади. Ат-Термизий кўп ва мамлакатларни кездди, замонасининг етуқ олимлари билан суҳбатда бўлди. У 400га яқин асар ёзган. Мутафаккирнинг, айниқса, "Одоб ан-нафс", "Баён ал-илм", "Солнома ва Наврўзнома" каби китоблари халқро миқёсда катта шухрат қозонган. Чунончи, "Солнома ва Наврўзнома"да Ҳаким ат-Термизий эски йилнинг қачон тулаши ҳамда янги йилнинг бошланиш кунларини аниқ кўрсатган. Жониворлар номи билан йил ҳисобланишининг осон усулини изотлаган. Шунингдек, об-ҳавонинг ўзгариши, табиий офат кузатилиши, қурғоқчилик ва ёмғир кўп ёғадиган йиллар ҳақида фикрлар билдирган. Мутасаввиф олимнинг бизга 60га яқин асари етиб келган, ҳолос. Ушбу кўлэмалар ҳозирда Париж, Қоҳира, Дамашк, Лондон, Ис-

тамбул кутубхоналарида сақланмоқда. Ҳаким ат-Термизий қабри устида барпо қилинган мақбарадан бугун хорижлик сайёҳлар ҳамда ҳамюртларимизнинг қадими узилмайди.

Халқимизнинг тарихидан сўзлайдиган яна бир ноёб маскан — Фаёзтепа ёдгорлигидир. Фаёзтепа ёдгорлигининг топилиши оддий тасодиф билан боғлиқ, 1968 йилнинг баҳорида чўпон Асад Бекнаев шу ердан ўтиб кетаётган, бир оқ рангли ҳайкалтарошлик намунасига кўзи тушади ва уни Термиз ўлкашунослик музейга топширади. Кейинчалик Урта Осиёда ягона бўлган бу тарихий обида тўлиқ қазиб олинади, илмий ўрганилади. Фаёзтепадан топилган ёзувлар, тангалар, ҳайкаллар буддавийлик дини тарихини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Воҳада бундай манзиллар жуда кўп. Хусусан, яқинда воҳанинг Зарбоғ қишлоғидан топилган Зараутсой ёзувлари — Зараутсой дарадасидаги тошларга ишланган расмлар ибтидоий санъатнинг нодир намунаси саналади. Зараутсойдан топилган 200дан ортиқ расмлар мезолит, неолит ва кейинги даврларга мансуб. Улар чизма тарзда конур ва соя услубида қизил ангоб (оҳра) билан чизилган. Зараутсойда одамларнинг итлар ёрдамида ёввойи буқаларни овлаш манзараси тасвирланган. Ҳайвонлар (ёввойи буқа, ит, тулки, бурама шохли эчки, жайрон, тоғ эчкиси), турли буюмлар (ўқ-ёй, найза, ўроқсимон қуроллар), ниқобланган одамлар ўзига хос тарзда ҳаётий қилиб ишланган.

Тешиктош — Ўзбекистондаги археологик қўриқхона: у бойсун тоғ тизмасидаги горда жойлашган. Гор Мачайдаги Зовтолош сой дарадасида денгиз сатҳидан 1500-1600 метр баландликда бўлиб, бўйи 7, эни 20, узунлиги эса 21 метрни ташкил этади. Горнинг шифти тешик бўлиши учун гулхан ёқилса, тепадаги туйнукдан чиқиб кетаверган. Горда 1,5 метр қалинликда 5 маданий қатлам бўлиб, ҳар қатламдан биттадан, баъ-

зиларида иккитадан диаметри 40 сантиметр, сатҳи 2 метрга етадиган гулхан қолдиқлари топилган. Айниқса, Тешиктош горидан топилган қадимги одам қолдиқлари халқимизнинг қадим илдишларга эга эканини ифодалайди. Бу ерга ҳар йили кўп рақиб сайёҳлар ташриф буюради.

Сурхон воҳасидаги қадимий миноралардан бири бу — Жарқўрғон минораси. Жарқўрғондаги Минор қишлоғида жойлашган бу минора пештоқда сақланиб қолган ёзувлар иншоотнинг 1108-1109 йилларда қурилганидан далолат беради. Санъатшунос-меъморларнинг таъкидлашича, унинг умумий баландлиги 50 метрга яқин бўлиб, ҳозир миноранинг омон қолган қисми 21,6 метрни ташкил этади. Жарқўрғон минораси қурилишида оддий гишт, равоқлар ва эпиграфик хошиялар жуда усталик билан қўлланилган, миноранинг асоси баланд 8 қиррали курсига ўрнатилган. Ҳар бир қирранинг марказида равоқли тахмончалар ишланган, ана шундай тахмончалардан бирида жойлашган эшик орқали минора ички қисмидаги айланма зинага чиқилган. Барча минора каби Жарқўрғон минораси ҳам гумбазсимон муаззинхона билан яқунланган. Жарқўрғон минораси меморий-бадий ечимига кўра, Шимолий Ҳиндистон ва Хуросон минораларига яқин туради.

Мустақиллик йилларида, амалга оширилаётган илмий-тадқиқот, қазимша ишлари Тешиктош, Мачай, Зараутсой, Жарқўтон, Далварзун, Қоратепа, Фаёзтепа, Тиллабузук, Жондавлаттепа, Кўҳна Термиз каби ёдгорликларнинг ҳали фанга номатълум қирраларини кашф этиб, кўҳна тарихимизни, юртимиз илм-фани ривожини жаҳонга намоеён этмоқда. Бу йўналишдаги эзгу саъй-ҳаракатлар тарихимизни мукамал ўрганиш, жаҳон илм-фани ривожига улкан ҳисса қўшган улуғ мутафаккирларимизнинг ҳаёти ва фаолиятини чуқур тадқиқ этиш, миллий ўзлигини аниқлаш, маънавиятимизни юксалтириш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат тарихимизга ҳурмат-эҳтиром руҳида ягона етказишда муҳим аҳамият касб этади.



**Таштемир ТУРДИЕВ,**  
Ўзбекистонда  
хизмат кўрсатган  
маданият  
ходими

Репортаж



# Янги умид, янги орзулар айёми

завкли ўтмоқда

*Янги йил — барча учун ёқимли ва қувончли байрамдир. Бу байрамни, айниқса, болажонлар иштироки билан кутади. Тинчлик ва хотиржамлик ҳукм сураётган, ҳар бир болага давлатимиз томонидан катта эътибор ва галмхўрлик кўрсатилаётган мамлакатимизнинг барча ҳудудларида байрам тантаналари кўтаринки руҳда ўтмоқда. Қорбобо ва Қорқиз, турли ҳайвонлар иштирокидаги саргузаштларга бой Янги йил воқеалари, масхараболашнинг чиқиши, жозибали рақслар ва шўх куй-қўшиқлар болажонларда катта таассурот, чексиз қувонч ва завқ бағишлайтир. Энг муҳими, байрам муносабати мамлакатимиз театрларида, боғ ва ҳайвонларда ташкил этилаётган бундай тадбирлар болаларнинг қишқи таътилни кунлари янада мазмунли ва мароқли ўтатишига хизмат қилмоқда.*

...Ўзбек Миллий академик драма театри. Чорлов мусиқаси болажонларни аjoyиб эртак-спектакль томошасига чорлайди.

— Бу йил болажонларимиз учун улуғ шоиримиз Ҳамид Олимжон асари асосида саҳналаштирилган "Семурғ" эртак-спектаклини ҳавола этаймиз, — дейди театр режиссёри Тожимухаммад Исроилов. — Томоша болаларда ёрқин таассурот қолдириши учун ижодий жамоамиз бор маҳоратини ишга солмақда. Зеро, спектаклни томоша қилаётган бола ундаги қаҳрамонларнинг ҳар бир ҳаракатини синчковлик билан кузатади. Гувоҳи бўлганимиздек, меҳр-оқибат, эзгуликнинг ёвузлик устидан ғолиб чиқиши, инсон доимо яшиликка интилиб яшаши ҳақида ҳуюқ қилувчи ушбу эртак-спектакль болажонларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Янги йилга бағишланган тадбирларнинг юксак савияда, кўтаринки кайфиятда ўтказилишида Ёш томошабинлар театри ижодий жамоаси ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда. Театр ижодий жамоаси томонидан тайёрланган байрам томошалари болажонларга бир олам завқ бағишламоқда. Улар учун "Оппоғой", "Болақчи ва Мадагаскар", "Ун икки ой", "Соҳибжамол ва махлук" каби спектакллар ўзбек ва рус тилларида намойиш этилмоқда.

— Ижодий жамоамиз нафақат болажонлар, балки катталар учун ҳам спектакл саҳналаштирмоқда, — дейди театр директори Зулфия Ҳамроева. — Айниқса, режиссёр Шухрат Ибрагимов Шарль Перо асари асосида саҳналаштирилган "Соҳибжамол ва махлук" спектакли ҳам болажонлар, ҳам уларнинг ота-оналарига манзур бўлмоқда. Саҳна безаклари, бир-бирдан қизқарли воқеалар болаларга чексиз қувонч бағишлайди. Уларнинг янги йил тантаналари ва қишқи таътилни мароқли ўтказишлари учун барча шарафит яратилган.

Театрнинг томошалар залига кириб, болажонларнинг таътилни мароқли ўтказишлари учун катта тайёргарлик қўрилганлиги гувоҳ бўлди. Улар спектакль бошланишини ҳаяжон ва қувонч билан кутишмоқда...

Томошадан сўнг улар олган таассуротлар билан қизикдик. — "Ун икки ой" эртак-спектакли менга жуда ёқди, — дейди Миробод туманидаги 60-умумтаълим мактаби ўқувчиси Мумтозбегим Қосимова. — Эртакда инсон агар ҳалол меҳнат қилса, барча орзуси ушалиши кўрсатиб берилган.

— Қишқи таътил бир умр ёдимизда қоладиган қизқарли таассуротларга бой бўлмоқда, — дейди Яшнабод туманидаги 166-умумтаълим мактаби ўқувчиси Моҳира Асқарова. — Ушбу айём боғ ва театрларда янада завқли ўтади. Байрам дастурини мириқиб томоша қилдик. Ўзимиз яхши кўрган эртак қаҳрамонлари билан учрашдик, бирга рақсга тушдик. Бир-бирдан аjoyиб томошалар менга жуда ёқди...

Ҳа, бегубор болаликнинг ҳар лаҳзаси мўъжизага бой бўлади. Кичкинтойлар, одатда, ҳаётга ўзлари севган қаҳрамонлар тисмолида назар ташлайди. Уларнинг ҳаракатларига тақлид қилади, шу тахлит дўст орттира-

ди. Энг муҳими, қизқарли саргузаштларга бой воқеалар, куй-қўшиқлар, рақсларни ўзида жамлаган саҳна кўриниши орқали кичкинтойлар аҳиллик, ҳамжихатлик, меҳнатсеварлик, ҳалоллик, ҳурмат, ақл, одоб инсонга зийнат бағишловчи фазилатлар эканининг гувоҳи бўлади.

— Болалар шоири ва драматурги Саммуил Маршакнинг бир гапи бор: "Дам олиш кунларида болалар қувонқ томошалар кони — кичик эртаклар қалъачасини эрта тонгдан забт этардилар. Бу — ўз драматургиясини, йўлини излаётган ва топаётган театр эди", — дейди "Истиқлол" санъат саройида намойиш этилаётган "Қор маликаси" мюзикли постановкачи режиссёри Хусан Солихов. — Дарҳақиқат, эртакларнинг сирли ва мўъжизали олами, ундаги ҳар бир буюм, қаҳрамонлар характери бола нигоҳида ҳайрат уйғотади. Ҳанс Кристиан Андерсеннинг мазкур асарини замонавий талқинда саҳналаштиришга ҳаракат қилдик. Унинг янада жонли, мазмунли бўлиши учун иктидорли санъаткорлар, дизайнер ва расмсоллар тақлиф қилинди. Театр зали томошабинлар билан ҳар куни тўлаётгани, меҳнатимиз бесамар кетмаганидан хурсандимиз.

— "Қор маликаси" мюзиклига фарзандларим билан ўтган йили ҳам келгандик, — дейди пойтахтлик уй бекаси Нодира Бобомуродова. — Бизга жуда манзур бўлган. Бу йилгиси ундан-да мукамал ишланибди. Айниқса, декорация ва ашёлар либоси ҳар қанча таҳсинга сазовор. Саҳнадаги муз парчалари худди ҳақиқийдек. Бу эса ҳар қандай болани эртаклар оламига олиб кириши шубҳасиз. ...Юртимизда — кўча ва майдонларда, гузар, маданият ва истироҳат боғларида байрам шуқуҳи. Ранг-баранг ағримчоллар, аттракционлар, ўйин қурilmалари ўйил-қизлар билан тўлган. Совға-саломлар, ўйинчоқ ва ширинликлар расталардан кўз қувнайди.

Оқшом тушга пойтахтимиз янада фусункор қиёфа касб этади. Бадий безаклар, лазерли технологиялар, иллюминацион чироклар, замонавий махсус бадий эффектлардан киши қалбига янада кўтаринкилик, завқ инди. Ҳамюртларимиз қалбида бугунги фараҳбахш кунларга шукроналик, фохр-ифтихор туйғуларини ўрдуради. Янги йил байрамига бағишланган театрлаштирилган-музиқий тадбирлар Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик Катта Театрида, Ёшлар театрида, Рус академик театрида, Давлат циркида ўтказилмоқда. Бу ерда "Сохта Қорқиз", "Зумрад шаҳридаги сеҳргар", "Синбод Морихоннинг саргузаштлари", "Мегабайтчи янги йил эртаги", "Эльзанинг янги йил саргузаштлари", "Уйкудаги малика" ва бошқа кўп рақиб спектакллар билан бирга ранг-баранг музиқий дастурлар, қизқарли саҳна кўринишлари, цирк усталарининг дастури томошабинларга тақдим этилмоқда.

Кўтаринки кайфият, ўчмас хотиралар улашган бундай байрам томошалари Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар театрларида ҳам бўлиб ўтмоқда.

**Тўмарис АбЗАМ,**  
"Milliy tiklanish" мухбири

Фаолият

# Абу Али ибн Сино мероси — абадий чашма

*Юртимизда жаҳон тамаддуни ривожига муносиб ҳисса қўшган буюк аждодларимизнинг бой меросини ўрганиш, тарғиб этиш, улар воситасида ёш авлодни ватанпарварлик, фидойилик руҳида камолга етказиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётир. Бу жабарёнда жамоат ташкилотлари, хусусан, Абу Али ибн Сино жамоат фонди муносиб улуш қўшмоқда.*

— Биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг 1999 йил 6 январдаги қарори асосида ташкил этилган Абу Али ибн Сино жамоат фонди аллома ҳаёти, фаолияти, илмий меросини ўрганиш, тарғиб этиш, унинг бизга номатълум асарларини излаб топиш ва тадқиқ этиш, мамлакатимизда шаклланган тиббий-илмий мактаблар эришаётган ютуқларни халқро миқёсда оммалаштириш, ёш авлодни миллий қадриятларимиз ва аждодлар меросига эҳтиром руҳида тарбиялаш борасида кенг камровли лойиҳаларни амалга оширмоқда. — дейди фонд бошқаруви раиси ўринбосари Нозимхон Маҳмудов. — Бугун олимларнинг замонавий тиббий технологиялар ёрдамида эришаётган кашфиётлари асосларини Ибн Сино бундан минг йил олдин ўрганган, башорат қилган эди. Масалан, улуғ алломанинг мушаклар қисқариши ҳақидаги назарияси бўйича илмий изланишлар олиб борган англиялик олим Андру Филлиннинг Ҳаксл 1963 йилда Нобель мукофотига сазовор бўлган. Ибн Сино касаллик кўзгатадиган, сув ва ҳаво орқали юқадиган кўринмас заррачалар ҳақидаги гипотезани илмий асослаб берган. Унинг асарлари бутун башарият маънавий мулкига айланган. ЮНЕСКО унинг номи билан Халқро олтин медал таъсис этгани бежиз эмас.

— Бугунги замонавий тиббиётда соғлом турмуш тарзи тушунчаси кенг оммалашмоқда. Ибн Сино жамоат фонди бу йўналишда қандай лойиҳаларни амалга оширмоқда?

— Олимнинг илмий фаолиятини кенг тадқиқ этиш мақсадида қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. 2011 йилда Абу Али ибн Сино ҳаёти ва

ижодига бағишланган "Ибн Сино — менинг тасаввуримда" мавзусида ёшлар бадийи кўрғазмаси, 2015 йилнинг ноябрь ойида Бухорода VI Ибн Сино ўқишлари ва унинг доирасида ўтказилган "Ибн Сино илмий мероси ва замонавий тиббиётнинг долзарб муаммолари" мавзусидаги халқро илмий тиббий конференция шулар жумласидандир. Бундан ташқари "Хоразм Маъмур академияси ва Ибн Сино" мавзусида илмий-амалий семинар, "Буюк олимлар фалсафаси, Маъмур академияси ва замонавий геронтология", 2016 йилнинг ноябрь ойида анъанавий VII Ибн Сино ўқишлари ўтказилди. Унда мамлакатимиздан 160 га яқин олимлар ҳамда Туркия, Исроил, Украина, Россия, Индонезия, Корея ва Эрондан мутахассислар иштирок этди.

2016 йилнинг октябрь ойида жағмарга Тошкент тиббиёт академияси билан ҳамкорликда пойтахтимизда "Биз Ибн Сино авлодларимиз" мавзусида тадбир ўтказди. Унда иштирокчилар аждодимиз ҳаёти ва илмий фаолиятига доир эътиборга молик тафсилот ва фактлар билан танишди. 2016 йил "Ўзбекистон — Франция" дўстлик жамияти, Ҳиндистоннинг "Bravo Pharma" компанияси ҳамда Тошкент шифокорлар малакасини ошириш институти билан ҳамкорликда акция ташкил этилди. Акция доирасида эҳтиёжманд оилалар фарзандлари, ногиронлар ҳолидан хабар олиниб, тиббий ёрдам кўрсатилди. Яшнабод туманидаги имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган 52-мактаб-интернатнинг 165 тарбияланувчиси тиббий кўрикдан ўтказилди.

Жамоат фонди тиббиёт муассасаларининг виртуал кутубхонаси учун инглиз тилида касалликлар харитасининг замонавий электрон нусхасини ишлаб чиқди. 2016 йилда мамлакатнинг илмий-маданий нуфузини кўтариш, Ибн Сино гоё ва меросини тарғиб қилиш мақсадида олим тутилган Афшобна қишлоғида Ибн Сино музейини такомиллаштириш ва янгилаш бўйича лойиҳалар тайёрланди. "Хоразм Маъмур академияси ва Ибн Сино авлодлари" мавзусида илмий-амалий семинар, Муқимий номидаги Ўзбек давлат музиқий театрида "Соғлом авлод — соғлом келажак" тадбири ташкил этилди.

Айни пайтда жамоат фонди ходимлари икки илмий изланиш — "Болалар, ўсимирлар ва ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш" ва "Аҳоли овқатланишида аминокислоталар танқислиги ва уни қоплашнинг мақбул йўллари" лойиҳаси устида иш олиб бормоқда.

— Фонднинг халқро алоқалари ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Озарбайжон, АҚШ, Хитой, Исроил каби давлатлардаги тиббий ва музейшунослик соҳасидаги тузилмалар билан ҳамкорликда Ибн Сино таълимотига оид бир қанча китоблар юртимизга келтирилди. Яқинда ноёб манба — Озарбайжон кўлэмалар институтида сақланаётган Ибн Синонинг "Ал-Кунан фит тиб" асари фотонусхаси олиб келинди.

Ҳозирда VIII Ибн Сино ўқишлари тайёргарлик кўрялтириш. Шарқ хитой таботати маркази билан имзоланган меморандум Ибн Сино жамоат фонди ваколатхонасини Исроилда очиб имконини беради. Бундан ташқари, Бахшехир университети (Туркия) ва Рокланд шифохонаси (Ҳиндистон) билан ҳамкорлик ҳақидаги меморандумни имзолашга яқин турибмиз, Европа тиббиёт уюшмаси билан ишчи алоқаларни ривожлантириш кўзда тутилган.

Ибн Сино дунё эътироф этган буюк даҳо саналади. Масалан, Дантенинг "Илоҳий комедия" асарига чизилган суратда Ибн Сино Авиценна номи билан Гиппократ ва Галлен билан ёнма-ён тасвирланган. Гурур уйғотадиган алоҳида жиҳати шундаки, Ибн Сино уларнинг ўртасида бошида тож қийган ҳолда тасвирланган. Демак, уни даҳоларнинг даҳоси, деб билишган. Ўтган асрда янги кашф этилган юлдузлардан бирига фалақийшунослар томонидан Абу Али ибн Сино номи берилгани ҳам бежиз эмас. Буларнинг барчаси Ибн Сино нодир меросини чуқур ўрганиш ва халқро миқёсда тарғиб этишга ундайди. Бу бебаҳо маънавий ҳазина келажак авлодлар учун доншмандлик ва билим манбаи, янги ва янги кашфиётлар учун дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

**"Milliy tiklanish" мухбири**  
Дилфуза РЎЗИЕВА суҳбатлашди

Миллий гурур

# Ёш дастурчининг муваффақияти

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Университетнинг телевизион технологиялар факультети талабаси Муҳаммад-жон Маҳаммад-жон "Маҳалла фуқаролар йиғини фаолиятини автоматлаштирувчи дастур", "Android мобилъ платформаси учун ахборот хавфсизлигини таъминловчи илова" ҳамда "Android мобилъ платформаси учун 3D моделлар иловаси" дастурлари учун муаллифлик гувоҳномалари олган. Ҳозирги кунда изланувчан талаба устозлари кўмагида рангли тасвирларни сегментлаштириш усули ва алгоритмлари ҳамда Android платформалари иловаларини яратиш устида изланмоқда.

— Дастлаб C++ дастурлаш тилига қизиқиб қолдим, — дейди Муҳаммад-жон Маҳаммад-жон. — Сабаби, уни ўрганмай туриб, ҳеч қандай дастур тузиб бўлмайди. "Маҳалла фуқаролар йиғини фаолиятини автоматлаштирувчи дастур"ни илк марта ба Олмазор туманидаги "Мискин" маҳалла фуқаролар йиғинида татбиқ қилдик. Натижада 3 минг 676 нафар фуқаро ҳақидаги маълумотлар базасини тўлдириб чиқдим. Мазкур дастурга ўтган йилнинг май ойида Интеллектуал мулк агентлигидан муаллифлик гувоҳномасини олдим. Шунингдек, ушбу лойиҳам билан КОИСА ва "Samsung" компанияси ҳамкорлигида

ўтказилган "Дастурий таъминот — 2014" танловида 3-ўринни қўлга киритдим.

Муҳаммад-жон 2015 йилда талабалар ўртасида ўтказилган "Компьютер графикаси" республика фан олимпиадасида биринчи ўринни эгаллади. Университетда ташкил этилган "Intellectual generation of Uzbekistan" танловида ҳам фаол иштирок этди. Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар IX Республика ярмаркасида қатнашиб, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлигининг дипломи билан тақдирланди. Ёш дастурчининг инглиз тилини ўрганувчилар учун тузган дастури, 5-синф ўқувчилари учун мўлжалланган инглиз тилидаги электрон дарсликлар ҳамда мобилъ иловаларидан бугун кўплаб юртдошларимиз фойдаланмоқда.

— Мамлакатимизда истиқлол йилларида инновацион ғоя ва технологияларнинг кенг ривожини, юртимиз ҳаётининг турли жабҳаларига кириб келиши, айниқса, ахборот-коммуникация соҳасидаги ўзгаришлар ёшларнинг билим олиш имкониятларини кенгайтирди, — дейди Тошкент ахборот технологиялари университети катта ўқитувчиси, техника фанлари доктори Саида Бекназарова. — Бу эса ёшларда ўз истеъдодини намоён қилиш, янгиликка интилиш, инновацион ва рационализаторлик

ғоялари билан жамият ҳаётида фаол қатнашиш фазилатларини тарбиялади. Муҳаммад-жон талабаларимиз орасида ўзининг тиришқоқлиги, янгиликка интилувчанлиги билан ажралиб туради. У таълим даргоҳимизда тахсил олиш жараёнида кўплаб дастурларини ҳаётга татбиқ этди, mediakurs.uz сайтини ишлаб чиқишда ўз ҳиссасини қўшди. Иқтидорли талабанинг илмий мақолалари нафақат юртимиздаги, балки Бирлашган Араб Амирликлари, Россия, Украинанинг илмий нашрларида ҳам чоп этилмоқда. У жорий йилда Абу Райҳон Беруний номидаги давлат стипендияси соҳиби бўлди. Ўйлайманки, у келажакда яратётган дастурлариниянда мукаммаллаштириб, миллий манфаатларга мос, ҳар тамонлама фойдали кўплаб инновацион ишланмаларни амалга оширади.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда илм-фан, таълим ривожига кўрсатилаётган эътибор, ёшлар учун яратилаётган имкониятлар ва рағбат уларнинг етук мутахассис сифатида камол топишида муҳим омил бўлаётир. Ўз ақл-заковати, билим-тафаккури, ғайрат-шижоати, энг муҳими, тоғдек таянчи — Ватанига, халқига суяниб, маррани баланд олиб яшаётган ёшлар фаолияти бунга яққол мисолдир.

Тўмарис АЪЗАМ,  
"Milliy tiklanish" мухбири

Ойлик

# Болалар ва йўл ҳаракати хавфсизлиги

Мамлакатимизда 2016 йилнинг 10 ноябридан 2017 йилнинг 10 январигача йўл ҳаракати хавфсизлиги тадбирлари амалга оширилмоқда.

Бу жараёнда Жиззах вилояти ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ҳам тегишли идоралар билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган дастур асосида барча туман ва шаҳарлардаги автокорхоналар, таълим муассасалари, маҳаллаларда аҳоли ўртасида кенг қўламли тарғибот-тушунтириш ишларини олиб бормоқда. Жумладан, вилоятдаги катта йўл ёқалари, чорраҳалар ва йўловчи ташувчи транспортларга йўл ҳаракати хавфсизлигига оид панно ва шиорлар ўрнатилди.

Фаллаорол туманидаги 26-умумтаълим мактабида йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича ҳам назарий, ҳам амалий магшгулотлар ўтказилди. "Диққат, болалар!", "Таътил", "Диққат, йўловчи!", "Яшил чироқ" каби тадбирларнинг мунтазам ўтказилаётгани болалар ва ўсмирларга йўл ҳаракати қоидаларини ўйин шаклида, аниқ вазиятлар мисолида тушунтиришга ёрдам бераётир.

Ўқув даргоҳи яқинида серкатнов йўл ҳамда автобус бекати

мавжуд. Шу боис ўқувчилар йўлда ўзларини қандай туттиши ва йўл ҳаракати хавфсизлигига қатъий риоя қилишлари учун участка нозирларидан сержантлар Аслиддин Садриддинов ва Музаффар Норбеков ўқувчилар билан тез-тез суҳбат ўтказмоқда.

Ойликни намунали ўтказиш учун мактаб ўқитувчиларидан Маъмура Умматова, Гулноза Аҳмедова ва Сарвар Абдувоҳидов йўл ҳаракати хавфсизлиги мавзусида деворий газета чиқаришни йўлга қўйган. Шунингдек, "Йўл ҳаракати қоидалари", "Йўлингиз беҳатар бўлсин!", "Светафор" каби стендлар ўқувчилар ҳамкорлигида қайта таъмирланди.

Буларнинг барчаси йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, айниқса, болалар иштирокидаги йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, оммавий ахборот воситаларида ушбу масала муҳимлигини тарғиб қилиш ва тушунтиришга доир ишлар қўламини кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Гулноза ТУГИЛОВА,  
Фаллаорол туманидаги 26-умумтаълим мактаби директори

РЕКЛАМА

## Чироқчи Иқтисодиёт коллежи жамоаси

### Юртдошларимизни 2017 йил билан қизғин қутлайди.

Қириб келган Янги йил ҳар бир оилага, ҳар бир хонадонга тинчлик-хотиржамлик ва қут-барақа олиб келсин!

РЕКЛАМА

## "MAGNUM MEDIKAL SERVIS" МЧЖ ЖАМОАСИ

Қадимий ва гўзал диёримизда яшаб, меҳнат қилаётган барча юртдошларимизни қириб келган

# Янги 2017 йил билан муборакбод этади.

Омонимиз ҳаминша мусаффо бўлсин, орзу-иниятларимиз рўёбга чиқсин! Сизларга соғлиқ-омонлик, оилаларингизга тинчлик-хотиржамлик тилаймиз.

РЕКЛАМА

## "CASTLE ROCK TRADE" МЧЖ жамоаси

Жонажон Ўзбекистонимизнинг бағрикенг, меҳнатсевар, саховатли халқини

Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили билан табриқлайди.


Ватан равақи, турмуш ободлиги йўлида амалга ошираётган эзеу ишларингизда муваффақият тилаймиз.

# АЙЁМ МУБОРАК БЎЛСИН!

Рангин дунё

# Кийим илгич шаклидаги улкан кўприк

“Харбор-Бриж” — Сидней шаҳридаги энг катта кўприк. Маҳаллий аҳоли уни “илгак” деб ҳам атайди. Чиндан ҳам у кийим илгичи эслатади. Бугун ушбу кўприк машҳур Сидней опера театри сингарии шаҳар рамзига айланган.



“Харбор-Бриж”да ҳам автомобиль ҳам поезд, велосипед ва пиёдалар қатнови йўлга қўйилган. У Порт-Жексон кўрфазини кесиб ўтиб, жанубий соҳилда жойлашган шаҳарнинг марказий қисмини шимолий соҳил билан боғлайди.

Кўприк қурилганига гарчи саксон йилдан ошган бўлса-да, бироқ у ҳеч бир жиҳати билан бугунги замонавий кўприклардан қилинмайди. Кўприк бунёдэтилганига қадар шаҳарнинг у соҳилидан бу соҳилига ўтиш учун паромдан фойдаланилган. Кўрфазнинг нариги томонидаги шаҳарнинг шимолий қисмига етиб бориш кўп вақт ва куч талаб қилган. Айланма йўллар орқали тахминан 20 километр йўл босилган. XIX аср ўрталаридан бошлаб қарийб ярим аср давомида турли мамлакатларнинг муҳандислари кўприк қуриш бўйича 24, туннель бунёд этиш бўйича эса битта лойиҳа тақдим этади. Бироқ улардан ҳеч бири маъқул кўрилмади. Охир-оқибат австралиялик меъмор Жон Брэдфилд бир неча тавсиялар ишлаб чиқди. Улар асосида 1922 йилда арқали кўприк қуриш бўйича халқаро танлов ўтказилди. Кўпгаб муҳандислардан мурожаатлар бўлганига қарамай, танловда Буюк Британиянинг “Дорман Лонг” компанияси муҳандиси Ральф Фримэннинг лойиҳаси галиб чиқди.

1924 йилдан Ральф Фримэн ва Жон Брэдфилд ҳамкорликда кўприк қуришга киришди. Мажмуанинг қурилишига Нью-Йорк шаҳридаги “Хелл-Гейт” кўприги асос қилиб олинди. “Яшил қитъа”даги энг йирик арқали кўприкнинг қурилишига 8 йил вақт сарфланди. Бунёдкорлик ишларида 1,5 минг курувчи меҳнат қилди. Қурилиш учун 20 миллион доллар сарфланди. Кўприкнинг

очириш маросими 1932 йил 19 мартда бўлиб ўтди. Кўприк қайсидир маънода, Австралиянинг иқтисодий барқарорлиги рамзига айланган.

Кўприкнинг умумий узунлиги — 1 минг 149, эни — 49, баландлиги — 134 метр. Мажмуанинг умумий оғирлиги — 52,8 минг тонна. Иншоотнинг остки қисми кўрфаз сувидан 49 метр баландда жойлашган. Бу эса ҳар қандай кеманинг унинг остидан бемалол ўтишини таъминлайди. Кўприк арқасининг узунлиги 503 метрни ташкил этади. Бу АҚШнинг Нью-Ривер дарёси устида пўлатдан бунёд этилган дунёдаги энг катта арқали кўприклардан бири — “Нью-Ривер-Горж” арқаси (518 метр)дан салгина кичикроқ дегани. Қизиги, ҳаво иссиқ кунлари арқанинг баландлиги тахминан 18 сантиметрга узаяди. Боиси, қуёшнинг қиздириши натижасида металл мажмуа кенгаяди. Кўприкнинг икки томонида баландлиги қарийб 100 метрли миноралар қурилган. Улар гранит тошлар билан қопланган. Кўприкдан бир кеча-кундузда 200 мингдан зиёд автомобиль ўтади.

Кўприкнинг икки ён арқаси устки қисмига 10 ёшдан ошган болаларнинг чиқишига 1998 йил 1 октябрдан бошлаб руҳсат берилган. Чунки унинг бу қисмидан Сидней шаҳри кафтдек кўриниб туради. Бунинг учун тағчарми резинали пойабзал ҳамда махсус камзул кийиш лозим. Улар одамларга ўша жойнинг ўзида тақдим этилади.

Бугун “Харбор-Бриж” Сидней шаҳрида янги йил байрамида ўтказиладиган тантаналарнинг ажралмас қисмига айланган. Чунки мушакбозлик томошалари ана шу кўприк устида ўтказилади. Янги йил арафасида илк мушак отиш тадбири кечки соат тўққизда бошланади. Унда ота-оналар болаларини байрам томошасига олиб чиқади. Асосий тантаналар эса ярим тунда бўлиб ўтади. Сиднейда илк янги йил мушакбозлиги 1996 йилда ўтказилган. Уни томоша қилиш учун Сидней шаҳрига австралияликлар билан бирга кўпгаб сайёҳлар ҳам келади. Уша кунини ранг-баранг чироқлар таъсирида кўприк бетакрор ва ўзига хос манзара ҳосил қилади.

мобил иловада кўриш мумкин. Ташхис натижалари шубҳа уйғотса, олинган маълумотлар билан кўз шифокорига учрашиш мумкин. Айна пайтда қурилма учун Kickstarter сайтида маблағ йиғилмоқда. У 39 долларга баҳоланмоқда.

## Тезюрар поезд темир йўл тармоғи очилди

Хитойда дунёдаги энг узун тезюрар поезд темир йўл тармоқларидан бири ишга туширилди. Бу ҳақда “ria.ru” хабар тарқатган.



Маълумотларга кўра, Шанхай ва Куньмин шаҳарлари оралиғида ишга туширилган мазкур темир йўл тармоғининг узунлиги — 2 минг 252 километр. У бешта — Чжэцзян, Цзянси, Хунань, Гуйчжоу ва Юньнань провинциялари ҳудудидан ўтади. Ушбу йўналишнинг ишга туширилиши Шанхай ва Куньмин орасидаги 34 соатлик масофани 11 соатгача қисқартиради. Ушбу темир йўлда ҳаракатланадиган поезд ўз тезлигини соатига 330 километргача ошириш имконига эга. Мазкур йўналишда 10 станция қурилган.

“Синьхуа” ахборот агентлиги берган маълумотга кўра, Хитойдаги энг узун тезюрар поезд темир йўл тармоғи Пекин ва Гуанчжоу шаҳарларини боғлаб туради. Унинг узунлиги 2 минг 298 километр бўлиб, 2012 йилда фойдаланишга топширилган.

Шаҳзод ҒАҒҒОРОВ тайёрлади.

## ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

### “EyeQue” — мобил кўз шифокори

Кўз шифокорлари бир йилда ҳеч бўлмаганда бир марта офтальмолог кўригидан ўтишни тавсия этишади. Бу, айниқса, хизмат ёки қизиқиш юзасидан кўп вақтини компьютер қаршида ўтказадиган кишиларга тааллуқли.



Бундан ташқари, ёш ўтган сари кўзда айрим муаммолар пайдо бўлиши табиий. “EyeQue” илгач минископи тиббиёт муассасаларида навбат кутиб ўтирмай, тезкор профессионал текширув ўтказиш имконини беради. Кўриш қобилиятини текширувдан ўтказиш учун “бемор”, мобил илова ўрнатилган смартфон ҳамда “EyeQue” қурил-

маси керак. Қурилма худди офтальмолог каби текширув ўтказиши. Бунинг учун қурилма смартфон экранига маҳкамланади ҳамда смартфон эгаси унинг объективига кўзини тутиб туради. Шу тариқа қурилма кўзни суратга олади.

Кўрикнинг барча натижалари смартфонда сақланади, уларни


# “НАВОИЙ ХУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ КОРХОНАСИ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

РЕКЛАМА

Ватанимиз  
равнақи йўлида  
фидокорона  
меҳнат қилаётган  
барча  
юртдошларимизни

Янги  
2017 йил

билан қизгин  
табриклайди.



# Вобкент туманидаги “Ergashev Hasan bog‘dorchiligi” фермер хўжалиги

Барча юртдошларимиз ва  
юрттимиз меҳмонларини  
кириб келган

Янги 2017 йил билан табриклайди!

РЕКЛАМА

## Қизилтепа туманидаги “ШАРҚ ҚУРИЛИШ СЕРВИС” МЧЖ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон халқини ва  
юртимиз меҳмонларини  
кириб келган

# Янги 2017 —

Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили  
билан самимий муборакбод этади.

Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ  
фаровонлиги йўлидаги эзгу  
ишларингизда омад ёр бўлсин!

## Янги йил муборак бўлсин, азиз дўстлар!

**ТАХРИР ХАЙЪАТИ:** Сарвар ОТАМУРАТОВ, Илхом АБДУЛЛАЕВ, Ахрор АҲМЕДОВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Феруза МУҲАММАДЖОНОВА, Улугбек МУҲАММАДИЕВ, Сувон НАҲБИДДИНОВ, Акмал САИДОВ, Жалолиддин САФОЕВ, Алишер ҚОДИРОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Исмаи ХУДОЕВОВ


**Бош муҳаррир:** Бехзод НОРБОЕВ  
**ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:** Тошкент-100000, Амир Темури кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй  
Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди  
**ТЕЛЕФОНЛАР:** (0-371) Қабулхона (факс): 234-69-55, Парламент ва маҳаллий кенгаш депутатлари фаолияти бўлими: 234-01-47, Партия ҳаёти бўлими: 234-86-41, Маданият, маънавият ва ахборот бўлими: 234-87-73, Бош муҳаррир биринчи ўринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73.  
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2  
“ШАРҚ” нашрият-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.  
Корхона манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй

### ТИББИЙ МАСЛАҲАТ

#### Гуруч — ҳам озуқа, ҳам даво

Гуручнинг асл ватани — Таиланд ва Вьетнам. У оқ, сариқ, қизил, кўнғир, ҳатто қора рангда бўлади. Қора рангдаги гуруч ёввойи тур ҳисобланиб, таркибида фойдали моддалар кўп. Ундан таом тайёрлаганда бошқа гуручларга нисбатан қаттиқ бўлгани учун 40-45 дақиқа қайнатилади ё димланади. Кўнғир рангли ёки қилиғи тозаланмаган гуруч бош мия фаолияти учун зарур фоллий кислотаси, онкологик ва юрак қон-томир касалликларининг олдини оладиган ёғ моддаларига бой.

Хитой, Австралия, Жанубий ҳамда Шимолий Америкада етиштириладиган чўзинчок кўринишдаги гуруч 15 дақиқада пишади, кўп сув талаб этмайди. Ундан ёпишқоқ бўлмаганлиги боис турли



таом ва салатларда гарнир сифатида фойдаланилади. Думалоқ кўринишли оқ рангли гуруч эса тез пишади. Шу боис ундан бўтқа, ширинликлар, япон таоми — суши тайёрланади.

Бир туп шולי поясида 100-200 донагача дон этилади. 100 грамм хом гуруч таркибида 4,1 грамм оксил мавжуд. Гуруч оқилона овқатланувчи ҳамда фаол ҳаёт кечирувчилар учун ажойиб озуқа ҳисобланади. Унинг таркибида 78 фоизгача углевод мавжуд бўлиб, кўплаб дармондориларга бой ҳисобланади. Углеводлар инсон организмидаги энергияни сақлаган ҳолда ортиқча ёғ ва қанд моддасини, асаб тизими фаолиятини меъёрлаштиришга ёрдам беради. Калийга бойлиги боис организмдаги туз миқдорини меъёрлаштиради. Фосфор, рух, темир, кальций ҳамда йод каби моддаларнинг организмда модда алмашишнинг меъёрлаштиришда, тишларнинг мустаҳкам бўлиши, бош мия фаолиятини бошқаришда аҳамияти ниҳоятда катта. Шунингдек, оксилнинг организмга сингишини ҳам тезлаштиради.

Гуруч таркибида туз умуман бўлмайди. Шу сабабли у юрак қон-томир, буйрак етишмовчилиги касалликлари мавжуд ҳамда ортиқча вазндан қутулишни истаган кишиларга озуқа сифатида тавсия этилади.

Гепатит (сарик) касаллигида гуруч билан сариёғ ейиш фойдали. Қандли диабет касаллигида 250 грамм қора ловия ва ошқовоқ, 150 грамм гуруч қайнатилиб, умоч қилиб ичилади. Тери касаллигида гуруч уни қовун суви билан аралаштириб суртилса, бадандаги оқ доғларни кетказиши. Чечак касаллигининг асоратидан қутулишда беморни гуруч, тарик ёки арпа уни устига ётқизиш фойдали саналади. Бронхит ва бронхиал астмани даволашда дўққакли донлар гуруч билан қайнатилиб, суви билан бирга қунига уч маҳал истеъмол қилинади. Ҳазм қилиш аъзолари, хусусан, йўғон ичакка яхши таъсир қилади. Агар қайнатиб, суви ичилса, ичак деворларини мустаҳкамлайди, ич кетишини тўхтатади. Сут билан қўшиб қайнатилса, ичакларни тозалайди. Ангина, грипп ва зотилжамда гуручни ялпиз ва пиёз қўшиб қайнатиб, суви ичилса, иситмани туширади, организмдаги микробларни тозалашга ёрдам беради. Буйрак ва ўт қопидаги тошларни туширади. Бунинг учун гуруч қайнатмасини тез-тез истеъмол қилиб туриш мақсадга мувофиқ. Ошқозон ва ичак ярасида гуруч сариёғ ёки ўсимлик ёғи билан бирга қайнатилиб истеъмол қилинади. Гуруч кўп истеъмол қилган одамнинг юзи тиник бўлади. Қолаверса, хом гуручни чайнаш оғиздан келади-ган бадбўй хидни йўқотади.

### БИЛАСИЗМИ?

- Кенгуру соатига 60 километр тезликда югуради, 3 метр баландликдаги тўсиқдан сакраб ўта олади.
- Кенгуру орқага қараб сакрай олмайди, бироқ сувда яхши сузади.

### ТУРФА ОЛАМ

#### Кокос узадиган робот

Пальма дарахтига чиқиб, кокос узиш анча машаққатли меҳнат. Бу муаммони бартараф этиш мақсадида Ҳиндистоннинг Амрита университети олимлари пальма дарахти устига чиқиб кокос узадиган “Атаган” номли робот-“алпинист”ни ихтиро қилди.

Робот металлдан ишланган, мустаҳкам қўлларга эга. Бу унга дарахтнинг юқорисига қийналмай чиқиш, кокос меваси ёки барглари узиш имконини беради. Бундан ташқари, унга камера ҳам ўрнатилган бўлиб, пальманинг устки қисмини тасвирга олиб, кокос мевасининг ҳолати, ўрни ҳақида маълумот етказиши. Смартфон ёки планшетга ўрнатилган “Hut Labs” иловаси воситасида роботни пастдан туриб бошқариш мумкин.

Робот 25 дан зиёд пальма дарахтида синовдан ўтказилди. Унинг тижорат намунаси яқин орада тайёрланади.

Шаҳзод ҲАФФОРОВ тайёрлади.

Эълон!

2004 йил Махамдалиева Шарифа Абдухалиловна номига берилган Т №111749-рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.



MILLIY TIKLANISH

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН “МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ” ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ҲОМИЙ: “МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ” АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

Газета ҳафтанинг chorshanba хуни чиқади.  
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.  
Буюртма — Г 116, Адади — 10500, Газетанинг баҳоси келишилган нарҳда.  
**Навбатчи муҳаррир:** Дилфуза РЎЗИЕВА  
**Навбатчи:** Аҳмад ЮСУПОВ  
**Саҳифаловчи:** Илхом ЖУМАНОВ  
**Электрон почта:** e-mail: m.tiklanish@mail.ru  
Босишга топшириш вақти — 21.30.  
Топширилди — 00.10.



772010771003 1 2 3 4 5